

Бугун пойтахтимизнинг Тельман номида маданият ва истироҳат бўлиб шаҳар 4-музика байрами ўтказилди. Музика ва хор ҳаваскорлари учун катта концерт программаси тайёрланган.

Паркда энг яхши композиторлар, дирижерлар, солистлар ўз санъатлари билан тамошабинларни хурсанд қиладилар. Ўзбекистон композиторларининг КПСС XXII съездида бағишланган янги музика асарларини тинглаш уюштирилди. Концертда музика ва хор ансамбллари, радио эшитириши ва телевидение комитетининг солистлари, филармония ва эстрада артистлари ҳамда бадий ҳаваскорлар қатнашади. Музика инқироби конкурс ва музикали викторина ўтказилди. Киноленторини да эса музикали бадий ва ҳужжатли фильмлар намойиш қилинди.

Дам олиш кунингизни кўнглини ўтказай десангиз, музика байрамига марҳамат.

А. ОКТЯБРЕВ.

БЕЛИНСКИЙ ЮБИЛЕИГА ТАЙЕРГАРЛИК

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси адабиёт музейида улуғ рус гавийҳис В. Г. Белинскийнинг тугилганига 150 йил тўлиши муносабати билан виставка ташкил қилинди.

Стендалар атоқли кишиларнинг Белинский ҳақидаги филлари, буюк таниқлининг ҳаёти ва илмий таъсирини кўрсатиш мақсади билан репродукциялари кўрсатиш ҳамда Белинскийнинг жуда кўп шоир ва ёзувчилар асарларига берган баҳолини ўқиб мумкин. Бу ерда В. Г. Белинскийнинг адабий тарқид, сўнгги, педагогика масалаларига бағишланган китобларнинг русча ва ўзбекча нусхалари ҳам бор.

М. СКРИПНИК.

БЕПУЛ ТАЙЕРЛОВ КУРСИ

Шу йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ҳузурида бир йиллик ва олти ойлик тайёрлов курслари очилган эди. Ҳозир бу курсларда 326 йигит-қиз ўқимокда. Улар тажрибали ўқитувчилар ёрдамида ўрта мактабда олган билимларини янада мустаҳкамламоқдалар.

Институт маъмурияти курс тингловчиларининг кўпчилиги норхоналарда ва турли ташкилотларда иш-



ВРАЧЛАР, ҚИШЛОҚҚА!

Колхоз ва совхоз даладарига қишлоқ ҳўжалик ишлари ааж олган шу кунларда меҳнаткашлар саломатлиги учун курашиш яхши йўлга қўйилган бўлиши керак. Шу сабабли област соғлиқни сақлаш бўлими қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни янада кучайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Тошкентлик врач ва ҳамширалардан жуда кўп киши қишлоқларга сафарбар қилинаёти. Ҳозир 25 врач, 40 ҳамшира пойтахтдан областимизнинг узоқ ва чекка жойларидаги колхоз ва совхозларга жўнаб кетди. Област шаҳарларид-

аги медицина ходимларидан бир гуруҳи ҳам районларга чиқиб кетишди.

Област соғлиқни сақлаш бўлимининг мутахассис врачлари алоҳида-алоҳида районларга бириктириб қўйилди. Улар жойлардаги медицина ходимларига консултациялар берадилар, дала шийпонларига бориб, колхозчиларга ўртада ҳар хил темада лекция ва суҳбатлар ўтказишади. Шунингдек, беморларни қабул қилиш билан ҳам шуғулланишади. Қишлоқдаги болалар босчаси ва ясли-лар, фельдшерлик пунктларида ишчи яхшилаш тадбирларини кўрадилар. Далада фидокорона меҳнат қилаётган пахтакорлар соғлиқдан тез-тез хабар олиб турилиши йўлга қўйиш учун район касалхоналаридаги врачлар ҳам колхозларга бириктириб қўйилди.

Шу кунларда қишлоқ поликлиникалари ва амбулаторияларда эрталаб соат 7 дан беморларни қабул қилишга ўтилди.

Колхозлардаги дала шийпонларига 40 мингта аптечка, шу жумладан мингта ўй аптечкаси ва болалар оналар учун ҳам махсус аптечкалар жўнатилади.

Б. АБДИЛХАЕВ.

М. ЗАРИПОВ.

Суратда: пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг инженер-конструктори Раъно Мўминова (чапда) ва тарихий техник конструктор Соғия Салимова ўртоқлар. Улар пахтакорлар оғирини енгил қилган машиналар конструкциясини янада яхшилаш устида ишлашаётир.

А. АБАЛЯ ФОТОСИ.

ЯНГИ ИЛМИЙ ТЎПЛАМЛАР

Ўзбекистон ССР Махсус ўрта ва олий таълим вазирлигини наشريети кўплаб дарслик ва қўлланмаларни босиб чиқармоқда.

Шу йилнинг ўзида нашриёт коллективи ўндан ортиқ илмий тўпламни китобхоналарга тақдим этади. Олий ўқув юрталарининг сиртки бўлим студентларига мўлжалланган тўпламлар ҳам босилади.

Профессор И. Исмамухамедовнинг «Жануби-ғарбий Ҳисор тизма тоғларининг петрология ва металлогения масалаларига доир» деган илмий асарини алоҳида тўплам бўлиб чиқарди.

Б. ПУЛТОВ.

КУЯЛАР

Жумаев қалбаки

ФЕЛЬЕТОН

Нега десангиз худди ўша кезларда

ёғоч-тахтадан қўплан номидан турли ташкилотларга қалбаки кўрсатмалар бериш йўли билан ёғоч, тахта, фанер ва бошқа қурилиш материалларини ўғирлаб сотишни ааж олдириб юборди. У обшпан номидан «Узгламтестнабсит» номига 107-номери қалбаки хат ёзиб ва ўзи имзолаб 8 вагон ёғоч-тахтини Мирзачўлга ва Окдўрғонга жўнатиб турган эди. Сурен Отабекович томоғини қириб «бургутчан, парвозинингизни мазази йўқроқ қўринади» деб писанда қилиб қўйди. Ана шундан сўнг Жумаев дарҳол обшпан номидан 108-номери яна бир қалбаки хат тайёрлаб «Узгламтестнабсит» баасидан 20 кубометр ёғочни олди, Охунбобоев номли колхознинг вақилига бор-таваккал деб пуллаб юборди.

— Туя кўрдингми — сўради Отабеков.

— Йўқ! — қасам ичишга тайёрланди деди Жумаев.

— Баракалла, мен ҳам кўрганим йўқ...

Эртасига Жумаев Олмалик ремонтстройконтарсига мўлжалланган «Астерларни Писикент ремонтстройконтарсига сотиш ҳақидаги 14-номери қалбаки тилхат тайёрлаб жўжайинга кўрсатди:

— Қалай?

— Офари! — деди Отабеков.

Мақтовдан боши кўкка етган Жумаев энди ўзини тунукага урди.

ТЕКИНХЎРГА

ШАФҚАТ ИҶҚ

САМОГОНЧИ АЁЛ

Гулистон шаҳар. Коммунистическая кўча, 108-уйда турувчи Анна Ульишова Первушиани кўни-кўшинлари «текинхўр» деб атаб, ундан нафратланишади. Қўлидан иш келса ҳам, янама унун фойдала меҳнат билан шуғулланиши унга эп кўрмайдиган 34 ёшли бу аёл самогон тайёрлаш билан умрини ўтказмоқда. Йилда унинг уйда текшириш ўтказилганда, анчагина гайер самогон, самогон аппаратлари ва самогон учун инвентаризанти қўйилган бир бунт тўтилади.

Кисилар соғлиқининг душмани, текинхўр А. Первушина устидан жиноий иш қўзғатилади. Самогончи аёл ўз қилмишига яраша жазоланади.

К. СОЛМЕТОВ.

Телевизор экранида

11 ИЮНДА

12.00. «Физкультура билан шуғулланган».

12.20. «Доктор Айболит» — фильм-эртас.

13.30. Инглиз тили дарсида рус тилида 21-мангулот.

18.30. «Миллионерникида меҳмонда» Телеочер.

18.50. Телевизон анималар.

19.10. Киножурнал ва «Роман ва Франческа» деган бадий фильм.

20.45. Ўзбек куйларидан концерт.

21.35. Рус қўшиқлари ва рақслари.

12 ИЮНДА

19.00. Совет Армияси жангчилари учун «Харбий меъуарлар» деган эшиттириш.

19.25. Телевизон анималар.

19.45. Ўзбек тилида илмий-оммабоп фильм.

20.05. Максим Горький ва Ўзбекистон.

20.40. Тошкент давлат консерваторияси битирувчиларининг концерти.

21.20. «Совет кино усталари» циклидан Ленин мукофоти лауреати Г. Чухрай ижодида бағишланган эшиттириш.

ФУТБОЛ 109 матчан сўнг

Ҳар бир футбол ишқивозининг ўз сеvimли командаси бўлади. Лекин ҳақиқий ишқивоз битта коллективнинг ўйини билганига эмас, балки бошқа командаларнинг аҳоли, составиди ўзгартириш, ўйин натижаларини билиб олмоғида кўнгли жойига тушмайди. Негаки, «сеvimли» команда учун ўша коллективлар бугун бўлмаса, эрталаб бўлади-да.

Ҳозир ишқивозларнинг баҳслари, тоғтишувлари авди қизган чоғ. Чемпионатнинг икки ой давом этган биринчи давраси ҳақида, ўтган 109 та матчан тўғрисида ҳар кимча музокара қила арийди. Турнир жаъвалига — курашларнинг дастлабки якунига бир назар ташлайлик.

1-группада ўтган йилги чемпион «Нефтяник» мустаҳкам сақлаб турибди. Тўрпелчилар 10 йилдан 17 очко тўплаб, атиси 3 очко йўқотдилар. Қизил шундаки, Харьковнинг ёш футбол коллективига «Торпедо»дан 2 очко тортиб олди. «Авангард» билан бирга «Нефтяник» ҳам курашларда чиниққан футбол коллективларидан ўзиб кетди. 10 талдан очко олган Тбилиси «Динамо»си, «Локомотив» ва Ростов-Дон армиячилари илгариги йиллардаги мавқееларини пасайтириб қўйдилар.

Мусобакалар 2-группа командаларининг 1-группадагига қараганда анча кучли эканлигини кўрсатди. Бу группада Киев динамочилари мавсум бошидан буён биринчилигини кўлдан бермай келди. Ленин ундан кейинда қолган ЦСКА ва «Спартак» (Москва) футболчиларининг куч-қудратини ҳеч кимда шубҳа туғдирмайд. Зўр ўйинчилар билан кучайган Армия марказий спорт клубининг ҳужум линияси ҳар қандай команда учун ҳам жиддий қавф солади. Армиячилар рақиблар дарвозасига ҳам-мудан кўп — 24 та тўп урдилар.

Пойтахт спартакчилари ҳам бу йил ўтган йилги камчиликлардан қатъий ҳулоса чиқариб, зўр иш-тиёж билан ўйнамоқдалар. Ана шундай кучлилар орасида бўлган «Пахтакор»нинг ўйинлари ўзбек футбол ишқивозларини хурсанд қилди. Командадига 9 учрашувдан 5 тасини ғалаба билан якунлаб, 2 тасини дураниб қилди, 2 та ўйинда мағлубиятга учради. Рақиблар дарвозасига 18 та тўп уриб, 17 марта ўйинни майдон ўртасидан бошлади.

«Пахтакор» пенсалам командалар бўлган ЦСКА ва «Динамо» (Киев)га биронта ҳам очко бермади. Тошкентликлар 4 ўйини мустаҳкам ағзаллаб, «Динамо» (Москва), «Спартак» (Ере-

ван) «Зенит», «Қайрат» командаларини орқада қолдириб кетдилар. Бундай муваффақият тренер ўртоқ А. Келлернинг футболчилар билан олиб борган жуда кўп меҳнати самарасидир. Команда ҳужумчиларининг маҳорати ошганини алоҳида таъкидлаш керак. Улар анча актив ўйнайдиган бўлиб қолдилар. Коллективда тошқин ҳужумчи қолмади. Хатто ларим ҳимойчи В. Тажирининг ҳисобиди ҳам 1 та тўп бор. Марказий ҳужумчи Г. Красницкий эса мамлакатда энг кўп тўп урган учта «снайпер»нинг бириндир. У 6 та ўйинда қатнашиб, 8 та гол уришга муваффақ бўлди. Ҳимойчи О. Моторининг деярлиги, эпирчиллиги ва техник маҳорати ҳам-мудан хурсанд қилмоқда. Ярим ҳимойчилар ҳам ўз функциясини яхши бажараётир. Улар ҳужумчиларини тўп билан таъминлаб туриш билан бирга, лозим бўлганда рақиблар ишгаф майдонига туриб, дарвозани «ўққа» тутишга ҳам киришадилар.

Умуман, футболчиларимиз маҳоратининг анча ўсганлиги, жисмоний чиниққанлиги ва бир-бирини тушуниб ўйнайдиган бўлиб қолганлиги қувончлидир. Лекин ҳали командаларга камчиликлардан кўз юмиш мумкин эмас. Аввало ҳамма командалар билан ҳам астойдил ўйнамаслик, айниқса ошқай майдондаги урашувларни масъулиятсиз ўтказишга барҳам бериш керак. Тўп билан муомала қилишни яхшилаш, ўйинда техник қилиш тугатиш ва майдондаги вазиятнинг тез баҳолаш олиш соҳасида ҳали кўп ишлаш керак. Шунингдек, командада марказий ҳужумчи ролини бажара оладиган 2-ўйинчи ҳам бўлиши лозим.

«Пахтакор» дублёрлар состави биринчи даврани муваффақиятсиз ўтказди. Дублёрлар 10 учрашувдан атиси 2 тасида ғалабага эришиб, 3 марта дураниб қилдилар, 5 ўйини ютказдилар ва 9-ўйинда қолдилар. Бу составда ҳужумни ташкил қилувчи ўйинчиларнинг кўрсаткичи ҳамда команда дарвозабонининг кучсизлиги кўп учрашувларда ёмон натижаларга олиб келмоқда. Ишонамизки, бундан кейинги мусобакаларда «Пахтакор»нинг ғриносасари бу камчиликларни тугатадилар.

Эрталаб ҳамшаҳарларимиз чемпионатнинг иккинчи даврасини бошлайдилар. Москвада бўлидиган дастлабки 3 ўйин «Пахтакор» учун ғоят масъулиятлидир. Командага бўлажан мусобакаларда янги муваффақиятлар тилайми.

С. МУСАЕВ.

Шундай фарзанд билан фахрланса арзийди

Совет Армияси сафиди хизмат қилиш СССР граждандарининг муқаддас бурчидир. Ана шу юксак ватанпарварлик бурчини яхши тушушган Алижон Умурзоқов армия хизматига аъло даражада ўтамоқда. Шунинг учун ҳам бўлимага жағчилари уни ҳўрмат қилишади. Алижон Умурзоқов Ўрта Чирчиқ райониди. Ленин номидаги колхоздан. У армия сафидида хизмат қила бошлагандан бери ўзининг энг яхши хислатларини билан коллектив ўртасида таъинлади. Жановар ва сиёсий тайёргарлиқни оширишда, ажанги дўстларига эъза эмас, амалий иш билан ёрдам беради. Шу билан бирга у бўлима-нинг жамоат ишларида актив қатнашади.

Алижоннинг ҳўрматли онаси Раёка опа. Сизин шундай онгли ва интизомли фарзандга бўлганлигингиз билан таъриқлайми. Сиз Алижондек яхши фарзандингиз билан фахрлансангиз арзийди. Ўз Ватани ва халқига содиқ бўлган



Ўртоқ Алижон УМУРЗОҚОВ.

шундай йигитни бағрингизда ўстирангизини учун Совет жангчилари номидан Сизга минг-минг раҳмат деймиш. Узоқ умр ва бахт-саодат тилайми.

Роман ШАНТАНОВ, бўлимага комсомол ташкилотининг секретари. Калинин области.

БИЛДИРИШ

Тошкент област ижроия комитети област Советининг депутатларига маълум қиладики, шу йил 15 июнда VIII қақирин меҳнаткашлар депутатлари област Советининг II сессияси ўтказилди. Сессия эрталаб соат 11 да Ўзбек давлат эстрада театри биносиди очилди.

Кун тартиби: 1. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қорачилик махсудотлари ештириш ва уни давлатга топиширини кўпайтириш тўғрисидаги қарорларининг қандай бажарилаётганлиги ҳақида. 2. Янги ерларни ўзлаштириш ва сув тақсирининг олдини олиш юзасидан белгиланган тадбирлар қандай бажарилаётганлиги ҳақида.

Депутатлар 15 июнь эрталаб соат 9 дан бошлаб Ўзбек давлат эстрада театри биносиди рўйхатга олинади.

Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм кечки уни-верситети шу йил 15 июндан 1 августгача тарих, экономика, философия, марксизм-ленинизм асослари ва илмий асослари факультетларига тингловчилар қабул қилди.

Университетга олиб ва ўрта мактабни битирган кишилар қабул қилинади. Ўқини муддат 2 йил. Маашулотлар ҳафтаиш икки марта — сешанба ва жума кунлари ўтказилди. Маашулотлар 1 сентябрдан бошлади.

Керакни маълумотларини университет идорасидан (Сталин кўчаси, 37-уй, телефон № 34144) сўраш мумкин.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ ТАКОТИГА ЗАМОНА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/VI эрталаб Риголетто, кеч-курун премьеры Богчасарой фонтинг.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/VI да Мирзо Улуғбек.

КИНО

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Узоқ соҳилларда — «ОКТАБР» (кеч соат 8-45 ва 10-20 минутда).

Олтин чағалида — «ВАТАН» (кеч соат 9 да).

Репетиция давом этмоқда — «ВАТАН» (кеч соат 10 яримда).

ПУШКИН номли (кеч 10.45 минутда).

Разведкачининг жасорати — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8-50 минутда).

Ҳаёт оstonасида — НАВОИЙ номли (кеч соат 9-10 ва 10-50 минутда).

Доворак — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9 ва 10-50 минутда).

Расоиди — КАФАНОВ номли (кеч соат 9-10 ва 11 да).

Дахлатли тулар — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 9 да).

Яшаш учун тугилганлар — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 11 да).

Улак жонлар — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 10-40 минутда).

ПУШКИН номли (кеч 8-50 минутда).

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТРАСИ КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

Олий принцип

1961 йилги

ПУЛ-БУЮМ

ЛОТЕРЕЯСИ

ИККИНЧИ ЧИҚАРИЛИШ БИЛЕТЛАРИНИНГ

ЮТУҚЛАР ҲАҚИДА

18 июнда Нукус шаҳрида бўлади.

Лотерея билетларини сотиб олиш, ютуқлар тиражида қатнашиш!

Тошкент област давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси.

Кольский переулк, 75-уйда турувчи Елизавета Васильевна Ермошина (Малашкина)нинг Ворошилов кўчаси, 80-уйда турувчи Федор Сергеевич Ермошиндан ажралиш ҳақидаги иш Тошкент шаҳар Куйбешев район халқ судида қўрилади.

Лабақ кўча, Воляничий проезд, 79-уйда турувчи Раҳим Хамидовнинг шу уйда турувчи Хакима Хамидова (Ғуломовадан ажралиш ҳақидаги иш Тошкент шаҳар Октябрь район халқ судида қўрилади.